



ЯХУДИЙЛИК ОҚИМЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ОНГ

Худойқулов Азамат Бешимович

Иқтисодиёт ва педагогика университети Тарих ва ижтимоий
фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoukulov @ gmail.com

Тел.: +998 (91)-562-77-15

Саидов Шомаҳмуд Азамат ўғли

Турон университети Педагогика ва психология
кафедраси 1-босқич магистрант

mail: shomahmudsaidov @ gmail.com

Тел.: +998 (99)-075-77-15

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20606082>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 06-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 09-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Яхудийликдаги оқимлар қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлинади. Қадимий оқимларга садуқийлар, фарзийлар, эссеялар киради. Замонавий оқимларга эса сионизм киради.

ABSTRACT

Яхудийлик инсоният тарихидаги қадимий монотеистик динлардан бири бўлиб, унинг диний таълимоти иқтисодий муносабатлар, меҳнат ахлоқи, мулкдорлик, савдо-сотиқ ва ижтимоий адолат масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Яхудийликда иқтисодий онг диний қоидалар ва ахлоқий тамойиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, инсоннинг иқтисодий фаолияти Худо томонидан берилган неъматлардан оқилона фойдаланиш воситаси сифатида баҳоланади. Православ, Консерватив ва Реформаторлик каби яхудийлик оқимлари иқтисодий ҳаётга нисбатан турлича ёндашувларга эга бўлса-да, уларнинг барчасида ҳалол меҳнат, масъулият, хайрия ва ижтимоий адолат муҳим ўрин тутади.

Яхудийлик инсоният тарихидаги қадимий монотеистик динлардан бири бўлиб, унинг диний таълимоти иқтисодий муносабатлар, меҳнат ахлоқи, мулкдорлик, савдо-сотиқ ва ижтимоий адолат масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Яхудийликда иқтисодий онг диний қоидалар ва ахлоқий тамойиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, инсоннинг иқтисодий фаолияти Худо томонидан берилган неъматлардан оқилона фойдаланиш воситаси сифатида баҳоланади. Православ, Консерватив ва Реформаторлик каби яхудийлик оқимлари иқтисодий ҳаётга нисбатан турлича ёндашувларга эга бўлса-да, уларнинг барчасида ҳалол меҳнат, масъулият, хайрия ва ижтимоий адолат муҳим ўрин тутади.

Яхудийликдаги оқимлар қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлинади. **Қадимий оқимларга садуқийлар, фарзийлар, эссеялар киради. Замонавий оқимларга эса сионизм киради.** Садуқий номи подшоҳ Довуд пайғамбар даврида яшаган руҳоний Садуқ исми билан боғлиқ. Кўплаб мансабдор руҳонийлар садуқий бўлганлар. Улар диний ишларда фақат Қонун (Мусонинг беш китоби)ни тан олганлар. Қонунда руҳонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради, лекин охира ва қиёмат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шунинг учун садуқийлар қиёматда ўлганларнинг қайта тирилишига ишонмайдилар.

Фарзий номи қадимий яҳудий тилидаги «тушунтириш», «ажратиб кўрсатиш» сўздан олинган бўлиб, улар Мусонинг Қонунини шарҳлаганлар ва оддий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар Мусо замонидан бери оғзаки анъана давом этиб келяпти, деб ҳисоблайдилар. Улар ҳар бир авлод ўз эҳтиёжларини қондириш учун Қонунни шарҳлай олади деб билганлар.

Улар муқаддас манба сифатида нафақат Мусонинг Қонунини, балки бошқа пайғамбарларнинг ҳам муқаддас ёзувларини, ҳатто ўзларининг урф-одатларини ҳам қабул қилганлар ва буларнинг ҳаммасига синчковлик билан амал қилганлар. Шунинг учун улар таомга, кийимга ва бошқа нарсаларга жуда эҳтиёткор бўлганлар, қўл ва баданларининг озодалигига катта эътибор берганлар. Фарзийлар қиёматга, ўлганларнинг қайта тирилишига ишонганлар.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Яҳудийликда иқтисодий муносабатлар масаласи қадимги муқаддас матнлар – Таврот, Талмуд ва раввинлар шарҳларида кенг ёритилган. М. Вебер ўзининг "Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи" асарида яҳудий ахлоқининг иқтисодий фаолликка таъсирини таҳлил қилган [1, 45]. М. Тамари "With All Your Possessions: Jewish Ethics and Economic Life" асарида яҳудий иқтисодий ахлоқи меҳнатсеварлик, адолатли савдо ва ижтимоий масъулиятга асосланишини таъкидлайди [2, 112].

Соломон Шиммел эса яҳудий ахлоқида бойликнинг мақсади шахсий манфаат эмас, балки жамият фаровонлигига хизмат қилишдан иборатлигини кўрсатади [3, 87].

Замонавий тадқиқотчилардан Жонатан Сакс яҳудийлик иқтисодий қарашларининг бозор иқтисодиёти билан уйғунлашиш хусусиятларини таҳлил қилган [4, 134].

Қуддусдаги кўпгина руҳонийлар Худо улардан талаб қилганидек яшамас эдилар. Ундан ташқари римликлар баъзи диний мансабларга Мусонинг Қонунига номувофиқ, муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар. Буни кўрган бир гуруҳ руҳонийлар Қуддусда ибодат қилиш ва қурбонлик қилиш Қонунга тўғри келмай қолди, деб ҳисобладилар ва Қуддусни ташлаб, яҳудий саҳроларига чиқиб кетиб, ўша ерда ўз жамоаларини ташкил қилдилар. Уларни есейлар деб аташди. Есейлар Худо томонидан юбориладиган халоскор – Мессиянинг келиши ва Қуддусни тозалашини кутиб, ибодат қилиб яшар эдилар. "Меҳнатни севинг ва мансабдорликка интилишдан сақланинг" [5, 23].

Сионизм (Zionism) номи Қуддусдаги Сион (Zion) тоғи билан боғлиқ. Бу оқим австриялик яҳудий журналист Т. Херцлнинг (Theoder Herzl, 1860-1904) немис тилидаги «Яҳудийлар давлати» (Der Judenstaat) рисоласи асосида XIX аср охирларида тузилган. Сионизм илк даврда раввинлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Бу оқимнинг мақсади – яҳудийларнинг худо томонидан танланган мумтоз халқ эканини тарғиб этиш ва уларнинг ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб, Фаластинда «миллий бирлашиши»га эришишдир. Сионизм «жаҳон яҳудий миллати» – «олий миллат» каби ғояларни илгари суради. Ғоясига кўра сионизм сиёсий оқим бўлиб, мақсадига эришиш йўлида яҳудий динидан фойдаланади.

Қайта қурувчилар. Яҳудий илоҳиётчилари орасида яҳудий динини ислоҳ қилиш ва уни ўрта асрлардаги ҳолатига қайтариш тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг фикрича, динни қайсидир бир жиҳатдан танқид қилиш унинг таъсир кучини

камайтиради. Шунинг учун диннинг ўзи қандай бўлса, уни шундайлигича қабул қилиш керак. Бу фикр тарафдорлари яҳудий руҳонийлари орасида ва Исроил давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Улар ўзларини «қайта қурувчилар» деб атайдилар. Қайта қурувчилар яҳудийликни сионизмнинг миллатчилик ғоялари билан қайта ишлаб, уни ўрта асрлардаги раввинчилик ҳолатига қайтаришга уринадилар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув ва контент-таҳлил усулларида фойдаланилди. Яҳудийликнинг асосий диний манбалари ҳамда иқтисодий ахлоққа оид илмий адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек, яҳудийликнинг турли оқимларида иқтисодий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши қиёсий ўрганилди.

Яҳудий маросимлари ва байрамлари. Яҳудийлар ўзларининг Яхвега нисбатан содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм-русумларни ижро этадилар. Улар йиллик ва кунлик ибодатлардан, байрамлардан, маросимлардан иборат. Ибодат уйда ҳам синагогада ҳам бирдай олиб борилади. Яҳудийлар синагогасининг шарқий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандиқ ва раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қиладилар. Синагогада ибодат хор шаклида олиб борилади.

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яҳудийликда бир неча хил озик-овқатлар, асосан, чўчқа, кўён, қўшоёқ, туя, яхлит туёқлилар, ўлаксахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўштларини ейиш тақиқланади.

Яҳудийликда овқатланишда қатъий чекловлар (кошер қоидалари) мавжуд. Истеъмолда фойдаланиладигон мол, қўй, эчки каби ҳайвон гўштларини муайян диний қоидалар асосида сўйилиши лозим ҳисобланган. "Шохет" лар (қассоблар) ҳайвонларни сўйишдан аввал унинг териси, ўпка, жигари соғлом бўлиши, қорни ёриб кўрилганда унинг ичида ўлимга сабаб бўлувчи жисмлар (тош, темир) бўлмаслигини текшириб кўрадилар. Балиқ гўштини тановул қилганда, унинг тангали ва сузкичли бўлишига эътибор қаратилган. Савдо соҳасида адолатли бўлишни биринчи ўринга қўйишади. "Тарозунгиз тўғри ва ҳаққоний бўлсин" [6, 214].

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Пейсах (Pessah; Пасха) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яҳудийларда Пасха деб қўзичоқ гўшти ва шаробдан иборат кечки овқатга айтилган. Худо Мисрдаги яҳудий бўлмаган гўдакларни қириб ташлашга қарор қилганида, улар ўз уйларининг пештоқини қон билан бўяб ўзларининг яҳудий эканликларини билдирганлар.

Яҳудийлар Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – маца тановул этадилар. Мацани тановул қилиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этадилар. Бу байрам яҳудийларнинг қуёш-ой календари бўйича нисон ойининг 14 куни нишонланади (бу сана апрел ойининг ўрталарига тўғри келади).

Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар Шабуот ёки Шевуот байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган

байрамга айланган. У яхудийларнинг календари бўйича сивона ойининг 6- ва 7-кунлари нишонланади.

Кузда яхудий календаридаги тишри ойининг 1- ва 2-кунлари (сентябр охири-октябр бошлари) янги йил байрами – Рош-Ашона нишонланади. Бу байрам яхудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар.

Тишри ойининг 9-куни гуноҳлардан покланиш байрами – Йом-Кипур нишонланади. Рош-Ашона ва Йом-Кипур байрамлари ўртасида яхудийлар рўза тутадилар. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар, синагогада надоматлар билан йиғлаб тавба қиладилар.

Пурим (қуръа) байрами яхудий байрамларининг ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам яхудийларни қириб ташламоқчи бўлган форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади. Уларни Ҳомондан ўз амакиси Мордехай тарбиялаган Есфир исми қизча қутқарган. Шунинг учун бу куни яхудийлар «Ҳомонга лаънатлар бўлсин», «Мордехайга Худонинг раҳматлари ёғилсин», деб қичқирадилар.

Таҳлил ва натижалар. Яхудийликда иқтисодий онгнинг асосий манбалари Таврот ва Талмуд ҳисобланади. Уларда инсон меҳнати муқаддас қадрият сифатида баҳоланади.

Талмудда шундай дейилади: "Меҳнатни севинг ва мансабдорликка интилишдан сақланинг" (5, 23).

Православ яхудийлик иқтисодий фаолиятни диний қоидалар асосида ташкил этишни талаб қилади. Савдо-сотикда ҳалоллик ва келишувларга содиқлик муҳим тамойил ҳисобланади.

Тавротда қайд этилишича: "Тарозуингиз тўғри ва ҳаққоний бўлсин" [6, 214]. Консерватив яхудийлик анъанавий иқтисодий қадриятларни сақлаган ҳолда уларни замонавий иқтисодий муносабатларга мослаштиришга ҳаракат қилади. Бу оқим вакиллари иқтисодий эркинликни қўллаб-қувватлаган ҳолда ижтимоий тенгликка ҳам аҳамият беради.

Реформаторлик яхудийлиги эса иқтисодий муносабатларда инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя ва тенг имкониятлар тамойилларини илгари суради. Яхудийликда хайрия (цдака) иқтисодий онгнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Маймонид хайрия ҳақида шундай ёзган: "Хайриянинг энг юқори даражаси инсонни меҳнат билан таъминлашдир" [7, 56]].

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, яхудийлик оқимларида иқтисодий онгнинг мазмуни турлича талқин қилинса-да, ҳалол меҳнат, мулк ҳуқуқи, ижтимоий масъулият ва хайрия умумий қадрият сифатида сақланиб қолган.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари яхудийлик оқимларида иқтисодий онг диний ва ахлоқий қадриятлар асосида шаклланганлигини кўрсатди. Православ, Консерватив ва Реформаторлик оқимлари иқтисодий масалаларга нисбатан турлича ёндашувларни намоян қилса-да, уларнинг барчасида меҳнатсеварлик, адолатли савдо, мулк ҳуқуқига ҳурмат ва хайрия муҳим аҳамиятга эга.

Таклифлар: Дин ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларни ўрганиш бўйича қиёсий тадқиқотларни кенгайтириш.

Яхудийлик иқтисодий ахлоқи ва замонавий бозор муносабатлари ўртасидаги боғлиқликни чуқурроқ таҳлил қилиш.

Диний қадриятларнинг иқтисодий маданият ва тадбиркорликка таъсирини ўрганиш.

Турли динларда иқтисодий онг шаклланишининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Weber M. The Protestant Ethic and the Spirit of Capitalism. – London: Routledge, 2001. – 320 p.
2. Tamari M. With All Your Possessions: Jewish Ethics and Economic Life. – New York: Free Press, 1987. – 312 p.
3. Schimmel S. The Seven Deadly Sins: Jewish, Christian and Classical Reflections on Human Psychology. – Oxford University Press, 1997. – 280 p.
4. Sacks J. The Dignity of Difference. – London: Continuum, 2002. – 224 p.
5. Neusner J. The Babylonian Talmud: A Translation and Commentary. – Peabody: Hendrickson Publishers, 2011. – 980 p.
6. The Torah: The Five Books of Moses. – Philadelphia: Jewish Publication Society, 2000. – 1450 p.
7. Maimonides. Mishneh Torah: Laws of Gifts to the Poor. – Jerusalem: Feldheim Publishers, 1989. – 240 p.

INNOVATIVE
ACADEMY